Хар кимнинг ўзига яраша кўркатурган нарсаси бўладир. «Иштонсизнинг чўпдан хадуги бор», дегандек, шу вактда иштонлик инсон — хадуксиз одам эхтимол йўкдир. Туркистон истатистика идорасининг кейинги йикган хисобига караганда, иштонсизлар банаъжи (Банаъжи — бехад, нихоятда.) кўпайиб-дирларки, биз уларни айнан куйида кўчирамиз:

Мустамлакачи — аччигланган чогида сирининг очилишидан кўркадир.

Хар турлук идора мудирлари — сайлов якинлашса мансабдан тушиб колишдан кўркадирлар.

Янги кўз очкан хисобсиз ўзбек шоирча ва шоирачалари — минг машаккат билан

азобланиб ёзган шеърларининг газеталарда босилмай колишидан кўркадирлар.
Тутантируксиз макола ёзишга ўрганган мухаррирлар — тўсундан тегиб колатурган танкид калтагидан кўркадирлар.
Бой ва совдагарлар — айникса уларнинг кўркунчлари поёнсиздир...
Чунончи: дўкон совдаси якинлашса ижарани ошириб юборатурган яканчилардан(Яканчи — инспектор; порахўр.) кўркадирлар, кўлларига кўпрок пул йигилиб колса, моллар ошиб, пул курсининг тушиб кетишидан кўркадирлар, кўлида анчайин когоз кўтарган кишини кўрсалар «торговой налўг» тушмогидан кўркадирлар, рўза ойи кириб закот бериш(Закот — шариъат хукми бўйича пулдор, молдор мусулмоннинг ўз моли ва пулининг киркдан бир улуши микдорида рўза вактида бева-бечораларга, камбагалларга берадиган хайр-садакаси.) эска тушса, моллар хисобини олишдан кўркадирлар... Хар холда бу дуркум халк учун ер хам кўркунч, кўк хам кўркунч. Факат коро ернинг остигина тинчдир!
Камбагал дехкон ва ишчилар — кун сайин бозор бахосининг бирга бир кўтарилишидан кўркадирлар.(Уша йиллари мамлакатда пул кадрсизланиб нарх-наво кўтарилиб кетган эди, муаллиф шундан киноя киляпти.)
Хукумат идораларидаги битта-яримта порахўрлар — порахўрлик билан кураш бошлангандан бери ўзларининг сояларидан хам кўркадилар.
Кўкдаги булутлар — ёгмай деса худонинг буйругидан, ёгай деса ердаги махлукларнинг чиртинг-пиртингидан кўркадирлар.
Ўзбек хотунлари — эрларининг калтагидан, кизлари кўчага чикай деса оналарининг туртугидан кўркуб, песлар моховдан, моховлар песдан, аживалар тараладан, таралалар аживадан; кискаси катта-кичик, ясси-япаски, кингир-кийшик, узун-киска хаммалари хам кўркокдирлар...
Ман нима ва кимдан кўркаман?
Айникса маним ишим жуда хам кийин: ёзай десам, ошна-огайни-нинг шўртумшуклигидан, ёзмай десам «Муштум» поччанинг жекири-гидан кўркаман.
Яна бундан бошка кўркатурган икир-чикирларим:
— Эски шахар кўчаларидан юрсам бетимга лой сачрашидан кўркаман.
— Ёгмур ёккан кунларида Эски шахар расталарининг агнаб кетишидан, совдагарларнинг тўнгуз кўпишидан кўркаман.
Билим юртлари ёнидан, бошлангич мактаблар каршисидан ўтуб колсам, истикболдаги алвир-шалвир ўзбек маданиятидан кўркаман!
Хархолда маним хам кўркунчларим ўзимга етарлик...
Ассалому ала маниттабаъл-худо(Тўгри йўлга эргашганларга салом бўлсин (Хадисдан).).

Жулкунбой,
«Муштум» — 1923 йил, 7-сон.